



ЖАММИЯТ

Ижтимоий-сиёсий, экологик газета

2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган

№ 1
(971)
2026 йил
5 март,
Пайшанба



Шавкат МИРЗИЁЕВ:
«МЕНИНГ НИЯТИМ –
ЁШЛАРИМИЗ БОШҚАЛАРДАН
БИР ПОҒОНА УСТУН ТУРСИН!»





ЁШЛАРНИНГ ЭКОЛОГИЯГА ОИД ЛОЙИҲАЛАРИ Қўллаб-қувватланади

24 февраль куни Тошкентда Президент Шавкат Мирзиёевнинг ёшлар билан мулоқоти бўлиб ўтган эди.

Мулоқотда ҳар бир соҳада бўлгани каби атроф-муҳитни муҳофаза қилишда ҳам ёшларнинг ўрни ва қўлами ортиб бораётганлиги таъкидланди. Хусусан, экология, тиббий хизмат, таълим, фавқулудда вазиятларда қўмаклашиш йўналишидаги волонтерларнинг сони 100 мингдан ошганлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан ташаббускор ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида вазирлик ва идоралар раҳбарлари, фаол кўнгилли ёшлардан иборат Волонтерлик ҳаракатини ривожлантириш бўйича Васийлик кенгашини ташкил қилиш таклиф этилди.

Шунингдек, Ёшлар ишлари агентлигида “Волонтерликни қўллаб-қувватлаш” жамғармаси ташкил қилинади. Ушбу жамғармага ҳар йили бюджетдан 20 миллиард сўмдан маблағ берилади. Бунга қўшимча вилоят ҳокимлари ҳам маҳаллий бюджетдан 3 миллиард сўмдан ажратади. Мазкур маблағлар ҳисобидан ёшларнинг волонтерлик лойиҳаларига 100 миллион сўмгача грант берилади. Кўнгилли ёшларга “ижтимоий фаоллик картаси” очилиб, экология, ижтимоий ҳимоя, тиббиёт, таълим, жамоат хавфсизлиги каби йўналишлардаги иштирокига қараб балл бериб борилади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 24 февраль куни ёшлар билан бўлиб ўтган учрашувида илгари сурилган муҳим ташаббуслар

1. Ҳар пайшанба – вазирлик, идора ва ҳокимликларда “Ёшлар куни” бўлади.
2. Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун қўшимча 200 миллион доллар маблағ ажратилади.
3. Ўзини ўзи банд қилган ёшлар учун кредит миқдори 100 миллиондан 300 миллион сўмгача оширилади.
4. Ёш тадбиркорлар лойиҳалари учун кредит ажратиш миқдори 10 миллиард сўмгача кўпайтирилади.
5. Инновацион стартап лойиҳаларига 100 минг долларгача инвестиция киритишга рухсат берилади.
6. “Келажак тадбиркори” дастури доирасида ёш тадбиркорларга 7 йилга 15 фоизли кредитлар ажратилади.
7. Дастур асосида ўзини ўзи банд қилган ёшларга гаровсиз 20 миллион сўмгача, ўз бизнесини бошлаётганларга 300 миллион сўмгача кредит ажратилади.
8. Фаолиятини кенгайтirmoқчи бўлганларга 2 миллиард сўмгача, 5 та битирувчини ишга олган тадбиркорларга эса 10 миллиард сўмгача кредит берилади.
9. “Менинг биринчи касбим” дастури орқали олийгоҳ битирувчиларига стажировка учун ойига 2 миллион сўмгача стипендия тўланади.
10. Ҳар бир ҳудудда ёшларга бизнес хизматларини кўрсатувчи “Ёшлар бизнес инкубатори” ишга туширилади.
11. “Янги авлод тадбиркорлари” дастурида Гарвард, Стенфорд каби хорижий олийгоҳлар ҳамкорлигида 40 минг ёш бизнесга ўқитилади.
12. Дастурни муваффақиятли тугатган энг яхши 1000 нафар ёшга 3 йилга 200 миллион сўмгача 7 фоизли ссуда ажратилади.
13. “Ёш тадбиркорлар” танловидаги энг яхши 100 та лойиҳани брендга ай-
лантириш учун 1 миллиард сўмгача маблағ берилади.
14. Банклар 50 минг ёшга бепул бизнес-режа тайёрлаб беради ва 20 минг ёшни тадбиркорликка ўқитади.
15. 1 мартдан янги иш бошлаётган ёшларнинг инфратузилмага улаиш харажатлари Ёшлар тадбиркорлиги жамғармаси томонидан қоплаб берилади.
16. Самарқанд шаҳрида энг яхши лойиҳа эгалари иштирокида Халқаро инклюзив ёшлар оромгоҳи ташкил қилинади.
17. “Ўсиш ва ривожланиш” стартап лойиҳасидаги энг яхши 40 та лойиҳага 2 миллиард сўм ажратилади.
18. Техникумларда ҳам стартаплар яратишга рухсат этилиб, уларга 1 миллиард сўмгача молиявий ёрдам кўрсатилади.
19. Техникум ўқувчилари учун “Work and travel” дастури орқали хорижда ишлаш имконияти яратилади.
20. “Ўқув марказлари уюшмаси” ташкил этилади. Уюшмага аъзо бўлган ўқув марказларига биносини ижарага берган тадбиркорлар ижарадан олинадиган даромад ва фойда солиғини тўлашдан озод этилади.
21. Бундай марказларнинг ўқитувчиларини Ёшлар ишлари агентлиги ҳисобидан АҚШ, Буюк Британия, Сингапур, Япония каби илғор таълим марказларига стажировкага юбориш йўлга қўйилади.
22. “Кўмак” лойиҳаси доирасида бизнесини кенгайтirmoқчи бўлганларга 300 миллион сўмгача фоизсиз ссуда берилади.
23. Олис ҳудудлардаги ўқув марказлари учун ижтимоий солиқ 1 фоиз, даромад солиғи эса 7,5 фоизгача пасайтирилади.





«EURONEWS» РАЎБАРИ ЭКОЛОГИЯ ВА ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ МИЛЛИЙ ҚЎМИТАСИДА

Экология қўмитаси раиси Азиз Абдуҳакимов «Euronews» раҳбари Педро Варгас Давидга экологик ташаббусларни ёритиш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун “Табиат ҳимоячиси” кўкрак нишонини топширди.



Учрашувда томонлар ахборот ҳамкорлигини кенгайтириш истикболлари, Ўзбекистоннинг экологик кун тартибини халқаро майдонда илгари суриш, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгаришига қарши кураш соҳасида амалга оширилаётган иш-хотларни ёритишга қаратилган

қўшма медиа-лойиҳаларни амалга ошириш имкониятларини муҳокама қилдилар.

Шунингдек, “яшил” трансформацияни оммалаштириш, биохилма-хилликни асраш ва глобал иқлим кун тартиби доирасида Ўзбекистон ташаббусларига халқаро ҳамжамият эътиборини жалб қилиш масала-

ларига алоҳида эътибор қаратилди.

Азиз Абдуҳакимов Педро Варгас Давидга экологик ташаббусларни ёритиш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун “Табиат ҳимоячиси” кўкрак нишонини топширди.

Учрашув якунида хорижий делегация учун Экология ва иқ-

лим ўзгариши миллий қўмитаси бўйлаб экскурсия ташкил этилди. Меҳмонлар тизим ташкилотлар фаолияти, хусусан, экологик ҳолатлар мониторинги ва тезкор тадбирларни мувофиқлаштириш амалга оширилаётган Ситуацион марказ фаолияти билан таништирилди.



Эслатма!

ЭКОЛОГИК ТАЛАБЛАРНИ БУЗГАН ЮРИДИК ШАХСЛАРГА МОЛИЯВИЙ САНКЦИЯЛАР

Қўлланилади

**Ўзбекистон
Республикаси
Президентининг
2025-йил
18-ноябрдаги
217-сон Фармони
кўра, 2026-йил
1-апрелдан бошлаб
экология, атроф-
муҳитни муҳофаза
қилиш ва табиатдан
фойдаланиш
соҳасидаги
қонунчиликни
бузган юридик
шахсларга
молиявий
санкциялар жорий
этилади.**



**Санкциялар қуйидаги
хукукбузарликларга нисбатан
қўлланилади:**

- Дарё ўзанларини тозалашга ва қирғоқларини мустаҳкамлашга доир ишларни амалга ошириш тартибини бузиш;
- Сув ресурсларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш;
- Дарахтлар ва буталарни ғайриқонуний равишда кесиш, йўқ қилиш ва уларни муҳофаза қилиш чораларини кўрмаслик;
- Ифлослантирувчи моддалар-

ни атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш ёки атмосфера ҳавосидан белгиланган талабларни бузган ҳолда фойдаланиш;

■ Курилиш майдонларида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя этмаслик;

■ Ёқилғи, моддалар, материал ва чиқиндиларни ёқишда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя этмаслик;

■ Чиқиндилар билан муомалада бўлишда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларига риоя этмаслик.

Шунингдек, Фармонга кўра, молиявий санкциялар пул ундириш (жарималар) тарзида фақат юридик шахсларга қўлланади, бир хил хукукбузарлик учун молиявий санкциялар қўлланган юридик шахсларнинг ходимларига маъмурий жазо чорасини қўллашга йўл қўйилмайди.

Диққат!

Хукукбузарликнинг такроран содир этилишига йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантириш олиш ҳамда жаримани тўлаш экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги қонунчиликнинг бузилишига йўл қўйган шахсни Экология қўмитасининг қарорини (тақдимномасини, кўрсатмасини) бажариш ёки қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятидан озод этмайди.

Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси юридик шахсларни атроф-муҳитни муҳофаза қилишга, бу борада белгиланган талабларни бажаришга, экологик хукукбузарликка йўл қўймасликка чақиради.



КЕЛАЖАК ОЛДИДАГИ

МАСЪУЛИЯТ

Табиат инсон ҳаётининг асосий манбаи ҳисобланади. Инсоннинг соғлиги, иқтисодий фаолияти ва ижтимоий тараққиёти бевосита атроф-муҳит ҳолатига боғлиқ. Шу боис табиатни муҳофаза қилиш масаласи бугунги кунда долзарб вазифалардан бири сифатида намоён бўлмоқда.

Сўнгги йилларда саноатлашув, урбанизация жараёнларининг жаллалашуви ҳамда аҳоли сонининг ўсиши атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳаво ифлосланиши, сув ресурсларининг камайиши, ер унумдорлигининг пасайиши экологик мувозанат бузилишига олиб келмоқда. Бу ҳолат эса аҳоли саломатлигига ҳам жиддий хавф туғдирмоқда.

Мутахассислар тадқиқотларига

кўра, кўплаб касалликлар, жумладан нафас йўллари, аллергия ҳамда юрак-қон томир хасталиклари экологик омиллар билан боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш аҳоли саломатлигини таъминлашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Миллий кадрларимизда ҳам табиатга эҳтиёткор муносабат алоҳида ўрин тутган. Аждодлари-

миз сув, ер ва ўсимлик дунёсига нисбатан масъулиятли муносабатда бўлишни ҳаёт қондаси сифатида қабул қилганлар. Бугун ушбу анъаналарни давом эттириш ва замонавий экологик талаблар билан уйғунлаштириш зарур.

Ҳар бир фуқаро атроф-муҳитни муҳофаза қилишга ўз ҳиссасини кўша олади. Сув ва электр энергиясини тежаш, чиқиндиларни бел-

гиланган жойларга ташлаш, яшил ҳудудларни асраш ва кўпайтириш каби оддий амаллар умумий экологик барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, табиатни муҳофаза қилиш — давлат, жамият ва ҳар бир фуқаронинг умумий вазифасидир. Атроф-муҳитни асраш орқали соғлом авлодни тарбиялаш, барқарор тараққиётга эришиш ва келажак авлодлар олдидаги масъулиятни адо этиш мумкин.

ДОРИ БОР, ДАРМОНИ ЙЎҚ...

Билмадим, бу ҳақда ёзишим керакмиди, йўқми, ҳар қалай, узоқ чўзилган мулоҳазакорлик сўнгида шу мавзунини қаламга олдим...

...Бундан бир неча йил бурун Хитойда бўлганимда, кутилмаганда кўзимга нимадир чиқиб қолди. Кўз очолмайман — жизиллаб азоб беради. Ойнага қарасам, ковоғимнинг тепасида нўхатдек нарсачиқ турибди. Мезбонлар томонидан бизга бириктирилган қиздан бирорта дорихонага олиб киришни сўрадим. Ҳалиги қиз мени дорихонага, дўхтирхонага, медпунктга — қандайдир хужрага олиб борди. Оқ халатли киши кўзимга бир қараб қўйди-да, шкафдан тирноқдеккина томчи дорини олиб берди. Арзимаган пул тураркан. Фойдаси тегишига кўзим етмаганди. Чунки, олдин ҳам шунақа “кўзюра” билан оғриганимда, беш-олти хил дори ичиб, бир ойча қора кўзойнакда юргандим. Ўша кечаси доридан бир томчи томизиб ётдим. Эрта-лаб турсам, ҳеч қанақа оғриқ ҳам, безовталиқ ҳам йўқ. Ўша куни кечгача ҳалиги нўхатдек нарсачиқ ҳам ўз-ўзидан йўқолди.

Худди шунга ўхшаш воқеа ўтган йили ҳам юз берди. Одатда киши кирди дегунча каминани сурункали йўтал қийнайди. Бир неча хил дори олишимга тўғри келади. Шунда ҳам бу савил йўталдан 2-3 ҳафтасиз қутулолмайман. Февраль ойининг ўртала-

рида Эронга борганимда ҳам шу йўталдан азият чекиб тургандим. Ҳамроҳлардан бири — таниқли режиссёр дўстимиз ҳам сал шамоллаб қолган экан. Икковлашиб, Техрон кўчаларидан аптека қидирдик. Одатда бизда ҳар бир кўчада ўнлаб дорихонага дуч келасиз. Негадир бошқа давлатларда, жумладан Эронда ҳам дорихоналар биздагидан анча кам. Юра-юра катта супермаркет бурчагидаги дорихонани топиб бордик. Дорихоначи қизга йўталга қарши дори кераклигини амаллаб тушунтирдик. Қиз қўлимизга бир кути попуққандга ўхшаш дори тутқазди. 50 минг туман. Ўша пайтдаги курс бўйича 10 центга тенг экан. “Фойдаси йўқ, бунақаларини ўн хилини ичиб кўрганман” десам ҳам, таваккал қилиб, бир донасини тилнинг тагига ташладим. Ишонасизми, йўқми, ўз-ўзидан томоқ оғриғи ҳам, йўтал ҳам тўхтади. Фақат мен эмас, режиссёр дўстимиз ҳам бир кечада дарддан халос бўлибди. Фақат эртаси куни дорихонага қайтиб боришга, ўша “мўъжизакор” доридан 5-6 кутидан сотиб олишга имкон тополмадик.

Ёз ойларида бир ҳамкасбимиз билан Европа сафаридан қайтаётганимизда, чамадонини тўлдириб ҳар хил дори-дармон сотиб олган

нини кўрдим. Қизиғи, уларнинг аксарияти ўзимизда, ҳар қадамда сотиладиган оддий дорилар эди. “буларни нима қиласиз? Булар ўзимида ҳам кўп-ку” десам, “ҳа кўп. аммо, биздаги дори билан буларнинг ер билан осмонча фарқи бор” деди.

Зериктириб қўймаган бўлсам, яна бир ҳолатни айтиб ўтай. Яқинда Россиядан қайтаётиб, бир ҳафтадан бери йўтали тўхтамаётган қизим учун томоққа сепиладиган дори олиб қайтгандим. Яна ўша ҳолат: бир кечада йўтал тўхтади.

Хуллас, ўзим бевосита гувоҳ бўлган бўлган бу воқеаларни эслаш билан (аслида бунақа ҳодисаларга кўп гувоҳ бўлганман) мен ҳеч кимни, ҳеч нарсани танқид қилмоқчи эмасман. Бунинг учун алоҳида суриштирув, текширув ўтказишга вақтим ҳам, имконим ҳам йўқ. Ростдан ҳам ўзимизда сотиладиган дорилар хорижда сотиладиганларидан фарқ қиладими ё менга шундай туюлдимикин? Нима учун бизда сотиладиган дорилар аксарият ҳолларда кутилган самарани бермайди? Нега хориждан сотиб олинган дорилар тезроқ наф беради? Фақат анчадан бери мени қийнаб келатган ана шу саволларга жавоб излайман, холос. Лекин, ёмон фикрларга боришдан кўрқаман. Ҳарқалай “дори-дармонлар ҳамма жойда бир хил, ҳаёт эса, тасодифларга тўла” деган яхши гумондаман...

Рустам ЖАББОРОВ





СИЁСАТДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Ҳар қандай жамиятда ёшлар мамлакат келажагини ва тараққиётини белгиловчи, энг фаол, янгиликка интилувчи асосий қатлам ҳисобланади. Чунки давлатнинг ривожланиши, гуллаб-яшнаши, истиқболи ёшларнинг маънавияти ва етуқлик даражасига боғлиқ. Модомики, ёшлар жамият эртасининг муносиб ворислари экан, уларнинг тарбиясига ҳар биримиз масъулият билан ёндашмоғимиз лозим бўлади.

Тарихга назар ташласак, ўша пайтда ҳам ёшларнинг жамият ҳаётига тайёрлашнинг муҳим субъекти бўлганини кўрамиз. Шарқ давлатларида ёшлар илм-фан, хунармандчилик ва ҳарбий санъат асосида тарбияланган. Амир Темур даврида ёшларнинг жасоратли, интизомли ва билимли бўлиб вояга етиши давлат қудратини мустаҳкамлашнинг асосий омилларидан бири сифатида қаралган. Жадидчилик ҳаракати даврида эса ёшлар миллат келажаги деб эътироф этилиб, замонавий таълим ва маърифат орқали жамиятни ислоҳ қилиш ғояси ил-

гари сурилган. Бу ҳолатлар ёшлар сиёсатининг тарихий илдизлари чуқур эканини кўрсатади.

Сўнгги йилларда ёшлар сиёсатини амалга оширишда сифат жиҳатидан янги босқич бошланди. Ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат дастурлари, ижтимоий лойиҳалар ва ёшлар ташкилотлари фаолияти ёшларнинг жамиятдаги ролини кучайтирмоқда. Илм-фан, спорт, маданият ва тадбиркорлик соҳаларида ёшлар учун яратилаётган имкониятлар уларнинг ташаббускорлигини ошириб, мустақил фикрловчи ва масъулиятли шахс сифатида шаклланишига замин яратмоқда.

Президентимиз 2026 йилнинг 24 феврилида ёшлар билан ўтказган мулоқотида уларни халқимизнинг олтин фонди, деб атагани бежиз эмас. Чунки Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизини ёшлар ташкил этади. Ҳар йили меҳнат бозорига 600 мингдан ортиқ йигит-қизлар кириб келмоқда. 2030 йилга бориб, бу кўрсаткич 1 миллион нафарга етади.

Илгари олий таълимда битта ўрин учун камида 10 нафар бола тўғри келса, қисқа даврда олийгоҳлар сони уч баробар оширилгани натижасида энди 42 фоиз ёшлар қамраб олинган. Хотин-қизларга шартнома тўлови давлат томонидан қоплаб берила-

ётгани ҳисобига, уларнинг сони 11 карра кўпайди. Ўз соҳаларида муваффақиятга эришаётган ўғил-қизлар сафи тобора кенгаймоқда. Биргина мисол, ҳозирги вақтда дунёдаги нуфузли университетларда 1 500 дан зиёд талабаларимиз таҳсил олмоқда.

Аввалги 25 йил ичида давлат ҳисобидан 800 нафар йигит-қиз хорижга ўқишга кетган бўлса, биргина “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали сўнгги етти йилда 2 300 нафар ватандошимиз шундай имкониятга эга бўлди.

Айниқса, фарзандларимиз орасида чет тилларни ўрганишга қизиқиш кескин кучайди. Сўнгги уч йилда тил ўрганаётган ёшлар сони 2 миллионга етган бўлса, “IELTS” имтиҳонидан юқори балл олганлар 5 карра кўпайди. Ёшларнинг бандлигини таъминлаш, интилишларига шароит яратиш давлатимизнинг устувор сиёсати айлانган.



Мамлакатимиздаги ёшлар сиёсати халқаро жамоатчилик томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Ўзбекистон БМТнинг “Ёшлар – 2030” стратегиясини жадал амалга ошираётган 10 та давлат қаторидан жой олди. Жорий ўқув йилидан бошлаб ўқувчилар ўртасида муҳандислик олимпиадалари ва танловлар ўтказиш йўлга қўйилади. Ғолиб бўлган битирувчи ёшлар техника олийгоҳларига грант асосида ўқишга қабул қилинади.

10-11-синф ўқувчилари ўртасида “Ватан таянчи” ҳаракати йўлга қўйилиб, унга 300 мингдан зиёд ёшлар қамраб олинди. Энди бу ҳаракат касб-хунар мактаби, техникум ва хусусий таълим ташкилотларида ҳам йўлга қўйилади ва бир миллион ўқувчи қамраб олинади. Улар ўртасида турли танлов ва мусобақалар ташкил этилади. Шунингдек, маҳаллаларда “Шижоат ва ғайрат” спорт ўйинлари ўтказилади. Ғолиб маҳаллаларга спорт иншооти қурилиб, анжомлар билан таъминланади. “Ватан таянчи” ҳамда “Шижоат ва ғайрат” мусобақалари ғолибларига ҳарбий билим юртларига кириш учун тавсия берилади.

Ёшлар сиёсати нафақат ижтимоий, балки муҳим тарихий аҳамиятга ҳам эга. Чунки айнан бугунги ёшлар эртанги куннинг етакчилари, давлат бошқаруви ва иқтисодиётнинг асосий таянчига айланади. Тарихий тажриба шуни исботлайдики, ёшларнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятига сармоя киритган жамиятлар узоқ муддатли барқарор тараққиётга эришган. Шу боис ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик масъулияти ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Ўз навбатида, ёшлар сиёсатини амалга ошириш жараёнида айрим муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан, ҳудудлар ўртасида имкониятлар тенг эмаслиги, бандлик масалалари ва маънавий тарбия билан боғлиқ масалалар долзарблигича қолмоқда. Ушбу муаммоларни бартараф этиш учун ёшлар сиёсатини янада такомиллаштириш, тарихий тажрибага таянган ҳолда замонавий ёндашувларни жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Валишер АБИРОВ,
Тошкент давлат
шарқшунослик университети
доценти,

Мохинур МИХЛИБОЕВА,
ТДШУ Хорижий тил ва
адабиёти факультети 1-босқич
талабаси.



«МЕНИНГ НИЯТИМ – ЁШЛАРИМИЗ БОШҚАЛАРДАН БИР ПОҒОНА УСТУН ТУРСИН!»

Давлатимиз раҳбари мурожаатномада “Энди мамлакатимизнинг меҳнат бозори мутлақо янги архитектура асосида – касб, малака, технология ва таълимни бирлаштирадиган ягона механизм сифатида ишлаши зарур”, – дея таъкидлади.

Бундай механизм интеграл меҳнат ва таълим тизими ҳисобланиб, унда таълим жараёни амалиёт ва назарияни уйғунлаштириб, мутахассисларнинг соҳавий билим ва амалий кўникмаларини ривожлантиради. Масалан, касб таълими орқали талабалар замонавий технология ва қурилмалардан фойдаланишни ўрганади, шунингдек ишлаб чиқариш жараёнларида самарали фаолият кўрсатиш учун зарур бўлган малака ва тажрибани эгаллайди. Бу механизм замонавий иқтисодий талаблар ва илмий ривожланишни ҳисобга олган ҳолда кадрлар тайёрлайди, уларнинг фаолияти инновация ва самарадорликка қаратилган бўлади, яъни, у ўқув жараёнини, амалий касбий тайёргарлик ва технологияни бир нуқтада уйғунлаштиради.

Бундан ташқари, бу интеграл тизим давлат ва корхоналарнинг стратегик мақсадларига хизмат қилади. Таълим муассасалари технология ва амалиётни жорий қилиб, талабаларни замонавий бозорга мос кадрларга айлантиради. Шу тарзда, касб ва малака соҳасидаги эҳтиёж технология ва инновациялар билан уйғунлаштирилади. Бу механизм кадрларнинг давомли таълим ва қайта тайёргарликдан ўтишини ҳам таъминлайди, бу эса иқтисодий ва ижтимоий барқарорлик учун муҳимдир. Бундай механизмнинг натижаси аввало, иқтисодий самарадорлик, ишлаб чиқариш

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Мурожаатномадаги маърузасидан

сифати ва миллий кадр салоҳиятининг мустаҳкамланишида намоён бўлади. бу дегани касб, малака, технология ва таълимни бирлаштирувчи механизм мамлакат тараққийнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи сифатида фаолият кўрсатади.

Бундай тажрибалар жаҳоннинг кўплаб ривожланган мамлакатларида кузатилади. Масалан, Германияда “Дуал таълим тизими” касб-хунар ва таълимни уйғунлаштиришда дунёдаги энг илғор тизимлардан ҳисобланади. Бу тизим талабаларни ҳам академик таълим олишга, ҳам ишлаб чиқаришда амалий тажриба орттиришга қаратилган. Университетлар ва корхоналар ўртасидаги ҳамкорлик орқали талабалар замонавий технология ва ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишади. Шунингдек, уларнинг малакаси ва касбий кўникмалари иш бозори талаблари билан тўлиқ уйғунлаштирилади. Швециядаги “Технология ва малака марказлари” ҳам касб, малака ва таълимни бирлаштирувчи механизмнинг илғор намунаси ҳисобланади. Бу марказларда талабалар ва мутахассислар янги технологиялар, робототехника ва сунъий интеллект каби соҳаларда ўқитилад ва амалий тажриба олади.

Сингапурда эса “Интеграл касб ва таълим платформалари” орқали таълим ва технологияни бирлаштиришда стратегик ёндашув қўлланилади. Бу платформа талабаларга виртуал лабораториялар ва симуляциялар орқали реал иш жараёнларини ўрганиш имконини беради. Шунингдек, корхоналар ва таълим муассасалари орасидаги маълумот алмашуви орқали бозордаги янгиликлар ва технологик талаблар доимий равишда таълим жараёнига киритилади.

Ўзбекистоннинг энергетика ва инфратузилма соҳаларида касб-хунарли кадрлар алоҳида аҳамиятга эга. Улар электр тармоқлари, транспорт тизимлари, сув таъминоти ва коммуникациялар соҳасида мута-

хассис сифатида фаолият юритади. Бундан ташқари, тиббиёт ва саломатлик соҳасида касб-хунарли авлод аҳамияти жуда катта. Малакали шифокорлар, ҳамширалар ва техник ходимлар аҳоли саломатлигини сақлашда асосий ресурс ҳисобланади. Улар замонавий тиббий технология ва усулларни самарали қўллади. Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида касб-хунарли авлод стратегик аҳамиятга эга. Малакали фермерлар, агрономлар ва техник ходимлар мамлакатнинг озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда асосий рол ўйнайди. Улар ҳосилдорликни ошириш, замонавий агротехника усуллари қўллаш ва ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлайди.

Туризм ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам касб-хунарли кадрлар мамлакатнинг ривожланиши учун муҳимдир. Малакали мутахассислар туристик инфратузилма, меҳмонхона ва ресторан бизнесини ривожлантиришда иштирок этади. Улар мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий имиджини юксалтиришга ҳисса қўшади. Касб-хунарли кадрлар туристлар учун юқори сифатли хизматни таъминлайди ва ички туризмни ривожлантиради. Бу эса миллий иқтисодиётга қўшимча даромад олиб келади. Шунингдек, улар янги иш ўринлари яратиш ва маҳаллий аҳолининг туризм соҳасига жалб қилишда фаол иштирок этади. Давлатнинг стратегик ривожланиш режаларида туризм салоҳияти муҳим аҳамиятга эга. Касб-хунарли кадрлар бу салоҳиятни рўёбга чиқаришда асосий куч ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари мурожаатномада таъкидлаганидек, “Энди техникум ва иш берувчилар ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқамиз. Хусусан, “дуал таълим” асосида ўқитишни самарали ташкил қилган корхоналарга 7 йил муддатга 5 миллиард сўмгача имти-

ёзли кредит ажратилади; тадбиркорлик рейтингида қўшимча 5 балл берилади; корхоналар ишга олган техникум ўқувчиси учун 1 фойзли ижтимоий солиқ имтиёзи яна уч йилга узайтирилади”.

Хулоса қилиб айтиш мумкин, мамлакат тараққийотида касб-хунарли авлоднинг стратегик аҳамияти бекиёс бўлиб, улар иқтисодиётнинг барча соҳаларида, ижтимоий ва маданий ҳаётда, инновация ва технологияларда асосий куч ҳисобланади. Малакали кадрлар миллий ресурслардан тўлиқ фойдаланиш, барқарор ривожланиш ва рақобатбардошликни таъминлайди. Шу билан бирга, улар келажак авлодни тайёрлаш ва билимни узатишда ҳам муҳим роль ўйнайди. Касб-хунарли авлод давлатнинг стратегик режаларини амалга оширишда асосий манба ҳисобланади. Уларнинг малакаси ва тажрибаси мамлакатнинг узоқ муддатли тараққийотини кафолатлайди. Шу боис давлат ва жамият учун касб-хунарли кадрларни тарбиялаш ва ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга. Касб-хунарли авлодсиз барқарор тараққийотни таъминлаш мумкин эмас.

Замонавий жамият учун зарур касбларнинг кўплиги ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва рақобатбардош иқтисодиётни шакллантиришга хизмат қилади. Малакали мутахассислар саноат ва технологияларни ривожлантириб, инновацияларни жорий этишга ҳисса қўшади. Шу билан бирга, турли касблар орқали янги иш ўринлари яратилиб, аҳолининг даромадлари ошади ва ички бозор фаоллашади ва бу пировардида мамлакатимизнинг иқтисодий ўсиши тезлашиб, барқарор тараққийотга эришилади.

Абдухолик ТАШАНОВ,
Ижтимоий маънавий
тадқиқотлар институти бўлим
бошлиғи, фалсафа фанлари
доктори





БИЗГА

КИМЛАР

КЕРАК?

...мутеларми, манқуртларми ёки худди суюқликдек турли шаклга кирадиган олчоқлару енгилнинг устидан, оғирнинг остидан юрадиган “қочоқ”ларми? Ҳарҳолда, айтганидан қайтмайдиган ўр, эътиқодда собит гажирларга тоби-тоқатимиз йўқлиги аниқ.

Адашмасам, император Биринчи Пётр эди шекилли, қайсидир университетга қадам ранжида қилар бўлибди. У билан учрашувга намунали талабалар сараланибди. Ёшлик – бебошлик, дейдилар, бебошлардан бирови густоҳлик қилиб, оқподшо билан гап таллашиб қолибди. Ўз оти қолиб, жаҳл отига минган император университет раҳбариятига қарата: “Бизга ақлли талабалар эмас, интизомли талабалар керак!” деган экан. Шундай қилиб, ҳар кимнинг ўз қаричи бор: яхши талаба деганда, биров тартибу одоб меъёрларига ўлғудай амал қиладиган, бошқа биров эса ўз сўзи, ўз юзига эга талабани тушунади.

Тўғри, ҳеч бир жамият муносабатларни тартибга солувчи меъёрларсиз яшай олмайди. Аммо шуниси ҳам аниқки, олға юрмаган ортда қолади, жамият бардавомлиги янгиланишларга боғлиқ. Янгилик қилишга эса ўта интизомлилар эмас, жони ичига сиғмайдиган “бузғунчи”лар журъат топади. Чунки бунёдкорлик ҳам... бузишдан бошланади, аслида.

Устабазармонлик барча болаларга хос. Қизикади-да, нега радио гапиради,



ичида кимдир борми? Нега соат чиқиллайди?.. Буюк кашфиётлар ана шундай саволлардан бошланади. Олдиниға радио бузилади-ю, қайта тузалмайди, кейин-кейин бир-икки сочиб-терилгач, булбулдек сайрай кетади. Тақиқлар эса боланинг шаштини битта-битта синдириб боради. Шу боис йигирмадан хатлаган ўсмирларнинг аксари етмишни уриб қўйгандек мулоҳазакор, ёшлик жўшқинлигидан маҳрум бўлиб қолади ёки эртадан умиди йўқ истеъмолчига айланади. Ўзи шунақа: дастлаб болаларга гапиришни ўргатган катталар кейин бутун умр сукут сақлашни уқтиради. Кейин нима бўлади? Кейин... “оч қорним – тинч қулоғим” шиори асосида яшай бошлаймиз. Шу тарзда руҳи синган мутелару дунёни сув боса тўпинига келмайдиган беғамлар тарбияланади...

Бизга шундайлар керакми?! Била-

ман, бу саволга “йўқ” деб жавоб берасиз. Лекин амалда-чи? Фикр, сўз ва амални бир қилиб яшашни чидаганга чиқарган, ахир!

Ёзувчи – ахлоқсиз одам, деган эди америкалик машҳур адиб Уильям Фолкнер. Истеъдодларни омма ҳар доим телбага чиқарган. Чунки улар жамиятнинг турли тартибу чекловларига қўнавермайди-да. Одамзод эса ҳаммани ўзига ўхшатгиси келади, сал бошқачароқларни қабул қилолмайди: сиздирмайди, ишдан ҳайдайди, ажратиб қўяди. Аммо, асли, тараққиёт чархини ана шундай телбалар ҳаракатлантириб келаётибди. Биз – ўртамиёналар эса бу ҳақиқатни тан олгимиз келмайди. “Халқ даҳоси” иборасини такрорлаб дилга таскин берамиз, гўё. Бу билан халқнинг, демакки, уюшиб, тўдалашиб яшаётган ўзимизнинг кучимиз, салоҳиятимизни бўрттириб кўрсатмоқчи бўламиз. Масалан, кетмонни ким кашф этган? Халқ! Нон ёпишни-чи? Халқ! Нима, уч-тўрт миллионлик халқ бир жойга ўтириволиб, ўйлаб топганими? Йўқ, азизим, боғ дарахтлардан иборат. Халқ даҳосини ҳам кўпчилик хушламайдиган “телба”лар яратади.

Ёшлардан кўп нарса кутилади, негаки, улар жамиятни янгиловчи ҳужайралардир. Лекин ўриндикқа мустаҳкам ўрнашиб олиб, отилиб чиққан ҳар бир навқиронни кўкрагига тепиб қулатаверсак...

Бизга кимлар керак ўзи? Қаноти қайрилганларми, руҳи синганларми? Йўқ, хато қилиш эркинлигини ўз ичига олмаган эркинлик – бир тийинга киммат эркинлик. Ўз “телба” фарзандларининг эркаликларини кўтарган халқ яшовчандир!

Фаррух ҲАСАН ўғли

МУАССИСЛАР:

Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси

Тахрир хайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ
Акмал САИДОВ
Ақтам ҲАЙИТОВ
Камолиддин ИШАНХОДЖАЕВ
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир
Максуд ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-Адади: 2505
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нархда.

2024 йил 2 августда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 0010-рақам билан
рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7722

Боғланиш учун
телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6

МИЛЛИЙ ФОЖИАМИЗ

Бизнинг қишлоқда (маҳалламизда) бир йилда 50-70 та тўй бўлади. Битта тўйга камида 50 млн. сўм сарфланади. Арифметика: 50.000.000x60=3.000.000.000 (3 млрд) Қишлоғимизда ҳар йили 3 млрд. сўм маблағ орзу-ҳавасга сарф бўлмоқда.

Ўзбекистонда бизнинг маҳаллага ўхшаган тахминан 10 мингта маҳалла бор.

Арифметика: 10.000x60= 600.000
6 0 0 . 0 0 0 x 5 0 . 0 0 0 . 0 0 0 =
30.000.000.000.000 (30 трлн.)

Бу тахминан 3 млрд. доллар дегани. Катта шаҳарлардаги 25.000 долларлик торт, 90.000 долларлик тўй каби аҳмоқона дабдабаларни ҳам қўшиб, ўртача ҳисоблаганда, тахминан 10 млрд. доллар бўлади.

Ўзбекистондаги оилалар бюджетидан ҳар йили тахминан 10 млрд. доллар маблағ ҳавога совурилмоқда.

Бунча катта маблағни тасаввур

қилиш учун қиёс келтираман: Корювобзор нефтни қайта ишлаш заводи французлар 500 млн. долларга қуриб берган; ўз вақтида “Аср қурилиши” номини олган ТошҒузур-Бойсун-Қумқўрғон темир йўл линияси қурилиши 220 млн. долларга тушган.

Фожиамиз шундаки, бу ўта аҳмоқона иш эканлигига ҳаммамизнинг ақлимиз етади. Лекин шу ишни қилаверамиз. Ушбу фикрларни ёзаётган муаллиф ҳам ўз вақтида эл қатори тўй қилган.

Тўйга сарфланган пулнинг бир кундан кейин қаерда бўлишини тасаввур қилайлик. Зора шунда, бу ишларимизни тўғри йўлга солармиз.



P.S. Битта оила тўй қилиши учун 3-5 йил йиғинади. Ўша оилада 3 та фарзанд: икки ўғил ва бир қиз деб тасаввур қилинг. Демак, ўша оила 5 марта тўй қиладиган (икки ўғлига суннат ва келин тўй ҳамда қиз чиқариш). Арифметика: 4x5=20. Демак, типик ўзбек оиласидагилар 20 йил умрини фақат тўй қилишга сарфлаб юбормоқда.

Умид ХЎЖАМҚУЛОВ

МАТБУОТНИНГ «ЖОНИ»

Бугун ахборот маконида тезкорлик биринчи ўринга чиқди. Янгиликлар сониялар ичида тарқалади. Шу жараёнда босма нашрлар — газета ва журналларга бўлган эътибор сусайгандек туюлиши мумкин. Аслида эса жамиятни фикрлашга, таҳлил қилишга, воқеаларга масъулият билан ёндашишга ўргатадиган энг ишончли минбар айнан босма нашрлардир.

“Жамият” газетаси йиллар давомида ана шу вазифани изчил бажариб келмоқда. Газета саҳифаларида ижтимоий ҳаёт, маънавият, экология, инсон ва табиат ўртасидаги мувозанат каби мавзулар таҳлил асосида ёритилиб, ўқувчини бефарқ қолдирмайдиган фикрлар илгари сурилади. Бу эса босма матбуотнинг жамият ҳаётидаги ўрни ҳали ҳам беқиёс эканини кўрсатади.

Қувонарлиси, бугун ана шу ҳақиқатни чуқур англаб, босма нашрларни қўллаб-қувватлашни жамият олдидаги масъулият деб билаётган раҳбарлар бор. Улардан бири — Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси раиси Азиз Абдуҳақимовдир. Унинг фаолиятида очиқлик, жамоатчилик фикрига ҳурмат ва оммавий ахборот воситалари билан тизимли ҳамкорлик устувор аҳамият касб этади.

Хусусан, мамлакатимизда амалга оширилаётган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси, чиқиндиларни саралаб йиғиш тизимини жорий этиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган қарор ва дастурлар мазмун-моҳиятини аҳолига тўғри ва тушунарли етказишда босма нашрларнинг ўрнини тўғри баҳолаши таҳсинга сазовор. “Жамият” газетасида

ушбу ташаббусларга бағишланган мақолалар орқали жойлардаги ҳолат, муаммо ва ечимлар ҳолис ёритилиб келинмоқда.

Газетамиз саҳифаларида кўтарилган чиқиндилар масаласи, даврахт кесилиши, ҳаво ифлосланиши билан боғлиқ қатор чиқишлардан сўнг айрим ҳудудларда жамоатчилик назорати кучайган, маҳаллий мутасаддилар томонидан аниқ чоралар кўрила бошланган. Бу эса босма сўзнинг амалдаги таъсири борлигини яққол исботлайди.

Экология соҳасида қабул қилинаётган қарорлар ва дастурлар аҳоли онгида акс-садо бермаса, кутилган натижани бермайди. Шу маънода, Азиз Абдуҳақимов раҳбарлигидаги қўмита томонидан матбуот, хусусан, “Жамият” газетаси билан олиб борилаётган ҳамкорлик жамоатчилиги онгини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Босма нашрларни қўллаб-қувватлаш — бу фақат матбуот соҳасига эмас, балки жамият онгига, келажак авлод тарбиясига киритилаётган сармоядир. Раҳбарнинг газетага бўлган муносабати эса унинг халқ фикрига, жамоатчилик овозига бўлган муносабатини ҳам акс эттиради.

Шу маънода, Азиз Абдуҳақимов

каби раҳбарларнинг босма матбуотга нисбатан ҳурмати ва амалий қўллаб-қувватлаши “Жамият” газетаси таҳририяти учун ҳам, ўқувчилар учун ҳам катта руҳий таянчдир. Бу эса таҳририятни долзарб мавзуларни кўтаришда янада қатъиятли бўлишга ундайди.

Ушбу мақолани ўқиётиб, муассис бўлгандан кейин ёрдам берадида, дерсиз. Тўғри, муассис дегани бу оила бошлиғи, ота дегани. Ота фарзандига меҳр кўрсатмаса, мувозанат бузилади. Шубҳасиз, газетамизнинг муассиси сифатида қўмита раҳбариятининг эътибори таҳсинга лойик. Бироқ, ундан ташқари яна бошқа ҳаммуассислар ҳам борки, уларга на илтимос, на расмий муносабатларимиз қор килди. Хусусан, номдор партия — Лидер бизни на эшитди, на қабул килди. Яна бир нуфузли ташкилот — Савдо-саноат палатаси эса қар ва соқов, гўё. Ўзбекистон Маҳаллалари уюشمаси эса ваъдадан нарига ўтмайди. Ўзбекистон нодавлат нотирожат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Экоҳарат марказий кенгаши каби муассисларимиз эса субсидия асосида “умргузаронлик” қиладики, улардан ёрдам сўраш ёзда қор кутгандек гап.

Мана шундай танг ва таранг вазиятда Экология қўмитасининг бир муддат чиқмай қолган, ижтимоий тармоқларда овоза бўлган газетани қўллаб-қувватлаши чинакам ғамхўрлик тимсолидир. Бу эътибор туфайли муштарийларнинг севимли наشري — “Жамият” яна чиқа бошлади. Унинг саҳифаларида яна дадил ва ўтқир, танқидий-таҳлилий мақолаларга кўпроқ жой ажратилади.

Икки ой муқаддам Сирдарё вилояти ҳокими Эркинжон Турдимовнинг мажлисида айтган гаплари ижтимоий тармоқларда тарқаб кетди. Унда ҳоким: “Агар кимдир мажбурий обунага йўл қўйса, ўша куни ишдан олинад!” Унинг бу гапини турлича талқин қилдик. Ҳатто ҳокимни матбуот душмани даражасига чиқарганлар ҳам бўлди. Аслида эса Турдимов бўлар-бўлмас газеталарни, кимларнингдир манфаати ва чўнтагига хизмат қилувчи нашрларни назарда тутган эди. Агар у матбуотни ёқтирмаса, ҳеч қачон 2 минг тиражга ҳам чиқмаган Сирдарё ҳақиқатини 20 мингга яқин тиражга кўтармасди. Ваҳоланки, муассиснинг эътиборсизлиги ва лоқайдсизлиги боис чиқмай қолган, ёпилиб кетган газета журналлар ҳам йўқ эмас. Буям ўша нашр эгаларининг юзи ва кўзини акс эттиради.

Босма нашр яшаса — жамият фикрлайди. Уни қадрлаётган раҳбарлар бор экан, чин сўз, холис фикр ва ҳақиқат ўз йўлини албатта топади. Зеро, обуна, газета, деган сўзлар салкам жиноятдек бўлиб туюлган кечаги кунлар ортда қолди. Бугун эса янгича қараш ва муносабат шаклланди: матбуотнинг “қони” ҳам, “жони” ҳам унинг таъсисчисидир.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ

